



Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

Адл ила олам юзин обод қил!

Куч – адолатда

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

<http://www.kuch-adolatda.sud.uz>

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

2025 йил
29 август,
жума
№ 37
(1071)

АҚШ БИЛАН ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ УЧУН КАТТА САЛОҲИЯТ МАВЖУДЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 август куни мамлакатимизда амалий ташиф билан бўлиб турган Америка Қўшма Штатлари Президентининг глобал шерикликлар бўйича махсус вакили Паоло Замполлини қабул қилди.

АҚШ маъмуриятининг юқори мартабаи вакили давлатимиз раҳбарига Президент Дональд Трампнинг самимий салом ва Ўзбекистон мустақиллиги куни муносабати билан табрикларини етказди.

Учрашувда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада кенгайтириш масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

Турли даражаларда самарали алоқалар давом этаётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди. Конструктив сиёсий мулоқот ривожланмоқда, фаол парламентлараро аламуновлар амалга оширилмоқда. Ўтган ойда Конгрессда Ўзбекистон куни доирасидаги тадбирлар ўтказилди, бу йил кузда Кенгайтирилган

стратегик шериклик мулоқотининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтади.

Хавфсизлик соҳасида, терроризм, экстремизм ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш борасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган.

АҚШ анъанавий равишда Ўзбекистоннинг муҳим иқтисодий ҳамкори ҳисобланади. 2024 йилда товар айирбошлаш ҳажми 15 фоизга кўпайди. Лойиҳалар портфели 11 миллиард доллардан ошган.

Жорий йил июнь ойида ўтказилган Тошкент инвестиция форумида АҚШнинг 100 дан ортиқ етакчи ком-

паниялари иштирок этди.

Минерал ресурслар, авиация, электротехника, қишлоқ хўжалиги, рақамли технологиялар, молия, инновациялар, таълим ва бошқа устувор йўналишларда кооперация лойиҳаларини илгари суриш учун катта салоҳият мавжудлиги қайд этилди.

"C5+1" формати доирасида минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш муҳим экани таъкидланди.

Бўлажак мулоқотлар ва қўшма тадбирлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

ЎЗА

Инсонпарварликнинг юксак намунаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев энг азиз умуммиллий байрамимиз – Ватанмиз мустақиллиги эълон қилинганининг ўттиз тўрт йиллигини нишонлаш арафасида давлатимиз томонидан олиб борилаётган гуманистик сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида "Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармонни имзолади.

(Давоми 2-бетда) ►

Моҳият



вояга етмаганларга нисбатан жиноий жавобгарликни янада либераллаштиришга хизмат қилади

Бугунги кунда мамлакатимизда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, дастурлар халқимиз ҳаётини янада яхшилашга, одамларимизни рози қилишга қаратилган. Бинобарин, барчамиз Янги Ўзбекистонда "инсон – жамият – давлат" деган тамойил асосида кечаятган жадал тарихий ислохотларнинг гувоҳи ва иштирокчиси бўлиб турибмиз.

(Давоми 4-бетда) ►



Орзиқул ҚОЗИХОНОВА

Олий Мажлис Сенати Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси

Жамиятимиз мақсади



ҚОНУНИЙЛИК ВА ИЖТИМОЙ АДОЛАТ

— ИНСОН ФАРОВОНЛИГИ ОМИЛИ

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар "Инсон қадри учун" тамойили асосида рўйбга чиқарилиб, ҳар биримизнинг ҳаётимизда, турмуш тарзимизда яққол акс этмоқда. Аҳоли турмуш даражаси янада юксалиб, шаҳар ва қишлоқларимиз обод бўлиб бормоқда. Аҳамиятлиси, янгиланиш ва тараққиёт йўлидаги эзгу савб-ҳаракатларимиз халқаро ҳамжамият, нуфузли халқаро молиявий-сиёсий ташкилотлар, сиёсатчилар томонидан юксак эътироф этилаётганидир. Албатта, бу Президентимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат натижаси, десак, янглишмаймиз.



Мавлудахон ХУЖАЕВА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари

(Давоми 3-бетда) ►

Ўз касбига садоқатли судья ва суд ходимларига давлат мукофотлари топширилди



Олий судда мустақиллигимизнинг 34 йиллиги муносабати билан тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда "Ватан учун, миллат учун, халқ учун!" деган эзгу ғоя халқимизнинг юксак кўтаринки кайфиятини яққол ифодалаётгани, юртдошларимизнинг эртанги кунга ишончи тобора мустаҳкамланаётгани алоҳида таъкидланди.

(Давоми 2-бетда) ►

31 август – Қатағон

қурбонларини ёд этиш куни



Саъдулла Қосимов ёхуд «Қосимовчилар иши»

Сўнгги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган шиддатли ва қамровдор ислохотлар суд ҳокимияти мустақиллигини ҳамда судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш имконини берди.

Шу билан бирга "Янги Ўзбекистон – янги суд" тамойили доирасида аҳолининг одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш — суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилишни жадаллаштиришни, соҳага илғор халқаро стандартларни жорий этишни талаб этмоқда.

Судлар фаолияти, аввало, инсон тақдирига, барча соҳалар тартиби ва тараққиётига дахлдор масаладир. Шунинг учун ҳам, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида қисқа фур-

сатларда эришилган бекиёс янгиланган ҳақли равишда фахр-ифтихор ҳиссини туйиш баробарида, тизимнинг яқин ўтмишдаги аҳоли билан боғлиқ тарихни ҳам синчиклаб ўрганиш тақозо этилади.

Ушбу мақолада Ўзбекистон Олий судининг биринчи расиси Саъдулла Қосимовнинг аянчли қисмати билан боғлиқ воқеалар хусусида архив ҳужжатлари асосида мухтасар сўз юритишни лозим топдик.

Саъдулла Қосимов 1901 йил Тошкент шаҳрида ду-



нега келган. 1909 йилдан — машҳур муаллим Эшонхўжа Хонийнинг янги усулдаги "Хония" бошланғич мактабида, 1916 йилгача таниқли маърифатпарвар Мунавварқори Абдурашидхоннинг "Намуна" мактабида ва айни пайтда рус-тузем мактабида ўқиб, замонавий фанларни ҳам ўзлаштирган. 1918-1920 йилларда "Ўзбек педагогика билим юрти"да таҳсил олган.

(Давоми 3-бетда) ►

Ислохот ва самара

Суд тизими – инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминловчи муҳим институтга айланди

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуришдаги муҳим шартлардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Одил судлов соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш департаменти бошлиғи Отабек ИСМОИЛОВ билан суд тизимида амалга оширилаётган ишлар ҳақида суҳбатлашдик.

– Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш учун мустақил суд тизимини яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишлари этиб



(Давоми 2-бетда) ►



Эркин ВОҲИДОВ, Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони

Сўз латофати

ЭНГ АВВАЛГИ СЎЗ

Холиқи оламнинг "Бўл" деган сўзидан борлиқ яралган.

Одамзод тилга кириб, у айтган биринчи сўз нима эди? Бу саволга жавоб ҳеч

бир китобда йўқ. Олимлар, инсониятнинг илк сўзлари товушга таққидан пайдо бўлган, дейдилар.

(Давоми 4-бетда) ►

Шарҳ



Одил судловга

эришиш кафолатлари кучайтирилмоқда

Мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, юртдошларимиз ва тадбиркорларга янада қулай шароит яратиш мақсадида судлар фаолияти билан боғлиқ янги ҳуқуқий ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этишга киришилди. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ақинда қабул қилинган "Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ҳамда «Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳақида сўз бормоқда.

(Давоми 2-бетда) ►

Инсонпарварликнинг юксак намунаси

◄(Бошланиши 1-бетда)

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган **523** нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **195** нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, **147** нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, **87** нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, **94** нафар шахсларга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

ЎЗА

Ўз касбига садоқатли судья ва суд ходимларига давлат мукофотлари топширилди



◄(Бошланиши 1-бетда)

Суд ҳокимияти билан боғлиқ ташаббусларнинг асосий жиҳатлари суд ҳокимияти ва судьялар мустақиллиги кафолатларига, судлар фаолияти ва суд тизимига ҳамда судьялар корпусини шакллантиришга қаратилган бўлиб, унинг негизда “Инсон қадри учун” гояси асосида чинакам адолатли суд тизимига эришиш истаги мужассамдир.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўйбга чиқариш ва жамиятда адолатни қарор топтиришда одил судлов алоҳида ўрин тутати. Шунинг эътиборга олган ҳолда, кейинги саккиз йилда суд-ҳуқуқ соҳасини тубдан ислоҳ этишга қаратилган кенг кўламли ҳуқуқий-ташқиллий чора-тадбирлар амалга оширилди.



Хусусан, 2017-2025 йилларда Олий суд томонидан 280 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилиб, суд тизимига оид 65 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Улар асосида суд тизими тубдан такомиллаштирилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг 21 август куни имзоланган “Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги фармонлари суд-ҳуқуқ ислохотларининг изчил давоми сифатида судлар учун тари-

Афв этилганларнинг **8** нафарини чет эл фуқаролари, **45** нафарини аёл, **31** нафарини 60 ёшдан ошган эркак, **220** нафарини ёшлар (шулардан **1** нафари вояга етмаган) ҳамда 15 нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оила-си ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

ЎЗА

◄(Бошланиши 1-бетда)

2017-2025 йилларда Олий суд томонидан 280 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилиб, суд тизимига оид 65 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Бу ҳужжатлар билан “Инсон қадри учун” гояси асосида чинакам адолатли суд тизими шакллантирилди. Халқимиз, шу жумладан, тадбиркорларнинг суд ҳимоясига бўлган эҳтиёжи таъминлаб келинмоқда.

– **Давлат органлари қарорлари ва улар мансabdор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан фуқароларнинг судда шикоятлари қандай кўриб чиқилмоқда?**

– Бу ҳуқуқ конституциявий даражада кафолатланган. Уни амалда таъминлашга хизмат қиладиган маъмурий судлар ташкил этилди. Бу фуқаролар ва тадбиркорларнинг суд ҳимоясига эришиш даражасини янада оширди. Мисол учун 2017-2024 йилларда маъмурий судлар томонидан 102 мингдан ортиқ иш кўрилган бўлса, шундан 61 мингга яқин ёки 60 фоиз талаблар қаноатлантирилган. Ўтган йилнинг ўзига ушбу кўрсаткич 41 фоизни ташкил этди.

Туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари ташкил этилди. 2017 йилга қадар ҳўжалик судлари фақат вилоят даражасида фаолият кўрсатган. Айрим туманлар суд биносидан узоқ масофада жойлашгани сабабли тадбиркорлар даъво аризасини берган пайтдан низо судда кўриб чиқилганига қадар вилоят марказига бир неча маротаба қатнашга мажбур бўлган. Бу эса, уларнинг моддий харажат ва ортиқча вақт сарфлашларига сабаб бўлган.

Ташкил этилган иқтисодий судлар жойлашуви узоқ ҳудудларда истиқомат қиладиган фуқароларнинг, шу жумладан, тадбиркорларнинг суд ҳимоясига эришиш даражасини оширди.

– **Хусусий мулк ҳимояси ва дахлсизлигини таъминлаш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

– Хусусий мулк ҳимояси ва дахлсизлигини суд орқали ҳимоялаш кучайтирилди. Хусусий мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасаруф этиш ҳуқуқини бевосита ёки билвосита чеклашни назарда тутувчи, мулкий муносабатларда бозор иқтисодиёти таъминлашнинг тўлиқ жорий этишга тўқсинлик қилувчи тартиблар, талаблар ва чекловлар бекор қилинди.

Жумладан, ер участкаларига бўлган ҳуқуқнинг вужудга келиши учун асос бўлган ҳужжатларни, шу жумладан, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳужжатларини уларнинг ўзи ёки юқори турувчи орган ва мансabdор шахслар томонидан, хусусан, прокурор протести асосида бекор қилиш йўли билан ер участкасига бўлган ҳуқуқни тугатиш амалиётига чек қўйилди.

◄(Бошланиши 1-бетда)

Бу ҳақда сўз юртишдан олдин мамлакатимиз суд тизимига сўнгги 8 йилда кенг кўламли ислохотлар амалга оширилганлигини таъкидлаш лозим. Жумладан:

– судлар жазовлчи органдан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи тизимга айлантирилди;

– фуқаролар ва тадбиркорларнинг давлат органлари ва мансabdор шахслари томонидан бузилган ҳуқуқларини тиклашга қаратилган маъмурий судлар ташкил этилди;

– маъмурий эъроувларнинг олдини олишга қаратилган самарали механизмлар жорий этилди;

– оилавий масалаларга иختисослаштирилган судьялар корпуси яратилди;

– инвестициявий низолар бўйича алоҳида судлов таркиби ташкил этилди, йирик инвестициявий низолар тўғрисида Олий судда кўрилиши имконияти яратилди.

Бундай салмоқли натижаларни яна кўплаб санаш мумкин. Муҳими, тизимдаги шиддатли ислохотларнинг бу каби ёрқин самараларини нафақат юртимиз фуқаролари ва миллий мутахассислар юқори баҳоламақда, балки хорижий экспертлар ҳам эътироф этиб турибди.

Айни чоғда, бугунги кунда судларга ҳар доимгидан ҳам юксак талаблар қўйилмоқда. Булар қаторида одил судловнинг очиклиги ва шаффофлиги, халқчиллигини таъминлаш,

◆Ислохот ва самара



Ушбу ҳужжатлар фақат суд томонидан бекор қилинади ёки ҳақиқий эмас, деб топилди.

– **Суд қарорларини қайта кўриш босқичлари қандай самара бермоқда?**

– Суд қарорларининг узил-кесил адолатли бўлиши учун уларни қайта кўриш босқичлари мавжуд. Бу кейинги йилларда такомиллаштирилиб, вилоят даражасида ишларни қайта кўришнинг янги босқичлари (кассация, тафтиш инстанциялари), Олий судда эса, тафтиш инстанцияси жорий этилди. Ушбу ислохот 2024 йил 1 январдан эътиборан амалиётга татбиқ этилди. Бу билан фуқароларга вилоят даражасида ишларни апелляция ёки кассацияда ва тафтиш тартибиди, Олий судда тафтиш тартибиди қайта кўриб чиқиш имконияти яратилди.

Бунда юқори инстанция судлари томонидан ишни янгидан кўриш учун қуйи судларга юбориш тартиби бекор қилинди ва уларга иш бўйича якуний қарор қабул қилиш масъулияти юкланди.

Ислохот натижасида суд ишларини кўришнинг ўта марказлаштирилишига барҳам берилди. Ҳар бир суд инстанциясининг зиммасига иш бўйича якуний қарор чиқариш мажбурияти юклатилгани аҳолининг ортиқча вақт ва харажатлари тежалишига олиб келди.

– **Судларни рақамлаштириш ишлари қай даражада?**

– Судларда ишларни кўриб чиқишда адолатли, очиклик ва шаффофликни таъминлаш учун “Электрон одил судлов” тизими яратилди.

Судьялар ўртасида ишларни инсон омилсиз, автоматик равишда тақсимлаш, судларга электрон мурожаат ва суд ҳужжатларини тарафларга электрон шаклда юбориш, суд мажлисларини аудиоёзувда қайд этиб бориш, суд қарорларини Интернет тармоғида эълон қилиш, суд мажлисларида масофадан туриб иштирок этиш имкониятини кенгайтириш каби замонавий ёндашувлар натижасида одил судлов самарадорлигига эришилмоқда.

Судларнинг ахборот тизими билан вазирлик ва идораларнинг ахборот

суд мажлисларининг тарбиявий-профилактик аҳамиятини таъминлаш каби муҳим талабларни алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Давлатимиз раҳбари ҳузурда бўлиб ўтган тақдиротда суд тизимини ислоҳ этишга қаратилган 6 та асосий йўналишдаги ислохотлар ва уларни амалга ошириш механизмлари таништирилгани бежиз эмас.

Хусусан, **биринчи масала – Судлар фаолиятига “Рақамли суд” концепцияси ва сунъий интеллектни жорий этиш лойиҳасини олайлик.**

Маълумки, коррупциянинг олдини олиш, фуқаролар ва тадбиркорларга “контактсиз суд” тамойили асосида одил судловга ҳеч бир тўсиқ ва сарсонгарчиликсиз эришишнинг бирдан-бир йўли – суд соҳасини рақамлаштиришдир. Шу маънода, Ўзбекистон Президентининг топшириқларига асосан судлар фаолиятини рақамлаштириш борасида Хитой, Жанубий Корея, Япония ва Қатар каби давлатлар тажрибаси ўрганилиб, шунингдек, миллий ўзига хос жиҳатларимиздан келиб чиқиб, “Рақамли суд” концепцияси ишлаб чиқилди.

Иккинчи масала – фуқаролик ва иқтисодий судларнинг иш юритувидаги низосиз ишларни тегишли органлар ваколатига ўтказиш йўли билан судларнинг иш юкламасини камайтириш.

тизимлари ўртасида маълумотларни электрон шаклда олиш тартиби амалиётга жорий этилиб, улар билан маълумотлар алмашинуви 100 фоиз рақамли шаклга ўтказилди.

Шунингдек, Олий суднинг Интерактив хизматлар портали ишга туширилиб, у орқали фуқароларга 49 турдаги интерактив хизматлар кўрсатилмоқда.

Унда судларга электрон шаклда мурожаат қилиш, суд харажатларини электрон тарзда тўлаш, қонуний кучга кирган суд қарорлари билан танишиш, ишлар ҳолатини онлайн кузатиб бориш, суд қақирув қоғозини электрон олиш, суд мажлиси жадвали билан онлайн танишиб бориш, дунёнинг исталган нуқтасидан туриб, суд мажлисларида мобил видеоконференцалоқа тизими орқали иштирок этиш каби интерактив хизматлар йўлга қўйилди.

Айни пайтда судлар фаолиятига фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, суд ҳужжатлари лойиҳаларини автоматик тайёрлаш ва суд амалиётини таҳлил қилиш йўналишида сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича чоралар кўрилмоқда.

– **Судлар фаолияти очиклигини таъминлаш борасида қандай чора-тадбирлар амалга оширилди?**

– Судлар фаолияти ҳақида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларини хабардор қилиш мақсадида, ҳар чоракда вилоят судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан брифинглар ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди.

Қабул қилинган суд ҳужжати ўқиб эшиттирилганидан сўнг унинг мазмун-моҳияти суд процесси иштирокчиларига тушунтирилмоқда. Судлар чиқарган қарорлар Олий суд веб-сайтида мунтазам равишда эълон қилиниб борилади.

Олий судда Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази ҳамда вилоят ва унга тенглаштирилган судларда матбуот хизматларининг ташкил этилгани аҳоли билан очик мулоқотни йўлга қўйиш ва суд ҳокимиятининг очиклигини ошириш йўлида кўрилган муҳим чора бўлди.

Жамоатчиликни ҳар чоракда судлар фаолияти тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилиб бориш тартиби жорий этилди.

Конституцияда белгиланган суд ҳокимиятининг мустақиллиги кафолатларини янада мустаҳкамлаш мақсадида, судлар раисларининг халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бир йилда камида бир марта ахборот тақдим этиши ҳақидаги қоида бекор қилинди.

Ушбу ислохот натижасида одил судловнинг давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқларидан мустақил ҳолда иш юритишга оид демократик принцип амалда рўйбга чиқди.

– **Суд ишларини юритушда амалиётга янги институтлар киритилди. Бу қандай натижа бермоқда?**

– Жиноят процессида ярашув институти кенгайтирилди, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларида алоҳида судьялар – тергов судьялари лавозимлари киритилди. Жиноят иши бўйича – дастлабки эшитув, фуқаролик ва иқтисодий судларда – судгача мажлис, соддалаштирилган тартибда иш юритиш, медиация институтлари жорий қилинди.

Инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, жиноят иш юритувида инсонпарварлик тамойиллари асосида “Хабеас корпус” институтини янада кенг татбиқ этиш мақсадида, 2025 йил 1 январдан тергов судьялари фаолияти йўлга қўйилди.

Судга қадар иш юритиш даврида процессуал қарорларга санкция бериш ҳамда жиноят ишини кўриб чиқиш вазифаси жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларнинг ваколатига берилди.

Тергов судьяси институтининг амалиётга жорий этилиши тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришга имконият яратди.

Оилани мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг қонуний манфаатларини рўйбга чиқариш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг манتيқий давоми сифатида фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларда оилавий низоларни кўришга иختисослашган судьялар корпусини шакллантириш мақсадида, 2024 йил 1 февралдан тажриба тарқасида “Оила судьялари” ташкил этилди.

Айтиб ўтиш керакки, қонун ҳужжатларини амалиётда бир хилда қўллаш, ягона суд амалиётини шакллантириш мақсадида, Олий суд Пленуми қарорлари қабул қилинади. Кейинги икки йилда бу борада 20 дан ортиқ қарор қабул қилинди ва муҳим тушунтиришлар берилди.

Хулоса қилиб айтганда, суд соҳасидаги ислохотлар инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

ЎЗА мухбири Норгул АБДУРАИМОВА суҳбатлашди.

■Шарҳ

Одил судловга эришиш

ишлар судда кўриб чиқилади.

Энг муҳими, бу билан суднинг ресурсларидан умумли ва рационал фойдаланишга йўл очилади. Судларнинг вақти ва эътиборини фақат мураккаб низоли ишларни сифатли ва адолатли ҳал этилишига қаратишга имкон яратилади.

Учинчи масала – Маъмурий ва иқтисодий ишларда экстерриториал судловга тегишлилик механизмини яратиш.

Гап шундаки, умумий тартибга кўра, ишлар жавобгар жойлашган ҳудуддаги судда кўрилиши белгиланган. Бироқ айрим ҳолатларда фуқаролар ва тадбиркорлар даъволари бошқа ҳудуд судида кўрилиши илтимос қилишади. Биргина 2024 йилда 11 мингга яқин иш тарафларнинг аризаларига асосан бир суддан бошқа ҳудуддаги судга ўтказилган.

Бугунги рақамлаштириш ва видеоконференцалоқа имкониятлари асрида иқтисодий ва маъмурий ишнинг муайян ҳудуд судида кўрилиши ўз аҳамиятини деярли йўқотмоқда. Нега деганда, қонунлар бутун республика миқёсида бир хилда амал қилади ва қўлланилади.

Шунга кўра, аҳолининг суд тизимига бўлган ишончини янада ошириш мақсадида даъвогарларга айнан муайян

ҳудуд судига мурожаат қилиш шартлигига оид бюрократик тўсиқни бартараф этиш ва фуқароларга танлаш имконини бериш мавриди келгани табиийдир.

Тўртинчи масала – Судьялар олий кенгаши фаолияти бўйича қонунчиликни янада такомиллаштириш.

Судьяларни чинакам мустақиллигини таъминлаш борасида Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотларни янада кенгайтириш ва давом эттириш, бунда нуфузли халқаро ташкилотлар ва экспертларнинг, шунингдек, олимларимиз ва соҳа мутахассисларининг тавсияларини ўрганиш, халқаро стандартларга интилишда ўринли ва асосли тақлифларга қўлоқ туттишимиз, аҳолининг судларга ишончини оширишга, мамлакатимиз имижини янада яхшилашга хисса қўшадиган ислохотларда собитқадам бўлишимиз керак. Хусусан, бугун:

- судьялик лавозимининг барқарорлиги тамойили асосида судьяликка тайинлаш муддатларини ислоҳ этиш, унга кўра, илк бор тайинланган судьяларнинг 5 йиллик муддати тугагач, монелик қилувчи салбий ҳолатлар аниқланмаган тақдирда, судьялик лавозимининг муддатсиз даврига тайинлаш тартибини жорий этиш;

31 август – Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

Ўзбекистон Олий судининг биринчи раиси ва унинг аянчли қисмати

Саъдулла Қосимов ёхуд «Қосимовчилар иши»

◄ (Бошланиши 1-бетда)

У 1919 йил декабрь ойигача ўқитувчи бўлиб, 1919 йил апрель ойида Мунавварқорининг тавсияси билан большевиклар фирқасига кирган. Сўнг Туркфронт сиёсий бўлимига сафарбар этилиб, 1919 йил охиригача Туркфронтнинг мактаб ишлари бўйича инструктори бўлиб ишлаган. 1920-1921 йиллар ҳарбий хизматда бўлган. Ҳарбий хизматдан қайтган, 1922 йили Эски шаҳар ижроия кўмитасида маориф бўлими раисининг ўринбосари вазифасида ишлаган.

Саъдулла Қосимов 1923 йилда суд бошқарув тизимида ислохотлар ўтказиш даврида кекса тажрибали қозилар билан бирга тергов-тафтиш ишларини олиб боради. У ислом ҳуқуқи ва замонавий ҳуқуқ тизимини чуқур таҳлил асосида ўрганади. Бу эса, унинг кейинги фаолиятида катта мактаб бўлди.

Саъдулла Қосимов 1923 йилдан Тошкент вилоят суди аъзоси, 1924 йил декабр ойдан вилоят суди раиси ўринбосари ва 1925 йил мартдан Тошкент вилояти суди раиси лавозимида фаолият юритган. У 25 ёшида, яъни 1925 йил декабрдан ЎзССР Олий суди раиси вазифасида иш бошлаган.

Саъдулла Қосимов ўта ғайратли инсон, ҳуқуқшунос сифатида ҳақиқий истеъдод соҳиби эди. 1925-29 йиллар ЎзССР Олий суди раиси сифатида ҳали Самарқандда, ҳали Андижонда, ҳали Қашқадарёда, ҳали Бухорода бўлар, ҳар бир ишни диққат билан ўрганиб, адолатли ва ҳолис ечимга келар эди.

1929 йил бошларида Саъдулла Қосимовнинг устидан миллатчилик ва порахўрликда айблаб, шикоят тушган деган баҳона билан Марказ унинг меҳнат фаолияти юзасидан текшириш ўтказди. Шу мақсадда Москвадан ОГПУ ходимлари Растопчин, Корнилов ва маҳаллий вакил Аҳмадбек Мавлонбековдан иборат комиссия тузилади. Комиссия 1929 йил 3 март куни С.Қосимовни ўз вазифасидан расман овоз қилиб, қамоққа олади.

Уч ой давом этган текшириш ва терговда бирорта айблов ўз исботини топмайди. Натижада Саъдулла Қоси-

мов овоздликка чиқиб, ҳатто ўз ишига тикланишга эришади. Аммо комиссия Москвага бориши билан танқидга учрайди. Улар учун ҳақиқат эмас, ҳар қандай ҳолда ўзининг сиёсатига қарши чиққан С.Қосимов маҳв этилиши керак эди...

С.Қосимов ўша кунларни кейинроқ терговда қуйидагича эслайди: овоздликка чиққанымдан хурсанд бўлиб, Тошкентга бордим. Мени кўргани дўстим, Германияда олий маълумот олиб қайтган агроном Абдуваҳоб Муродий келди. Биз устозимиз Усмонхўжа Тўхтаўжаев билан учрашишни хоҳладик ва Усмонхўжа домла билан эртасига соат 10⁰⁰ да Революция сквери (ҳозирги Амир Темури хийбони)да учралишига келишдик. Муродий мен билан уйимда қолди. Эртаси келишилган жойга бориб, у кишини кута бошладик. Аммо у киши келмади. Ғани Музахонов келиб, у кишини қамашмоқчи эканлигини ва туман партия кўмитасидан одам келиб, уни ишдан олганини айтиб кетибди. Шунга, келса, сизларга ҳам ёмонлиги тегиши мумкинлиги учун келмаслигини айтиб юборди, деди. Биз ташвишландик. Муродий ана энди қама-қама бошланади, деб алам устида ўзининг тажриба станциясига йўл олди. Мен эски шаҳарга, устозимнинг уйига йўл олдим. У киши эса, меникига йўлга чиққан экан. Биз трамвайда, йўлда учрашдик. Нимагадир аҳволимизни кўриб, кўзимга ёш келди. У киши ҳам ўзини босолмай йўглаб юборди. Атрофдаги одамларнинг эътиборини тортмаслик учун Тарновбошидаги масжидга кирдик. Муродийнинг айтгани бўлди. Икки кун ўтиб, Усмонхўжа Тўхтаўжаев қамоққа олинди. Кейин ҳаммамни қайтадан қамашга киришдилар. Мени ҳам олиб келишди, дейди.

Шу тариқа қийноқ ва таҳқирли терговлар яна бошланади.

1930 йил март куни С.Қосимов айблов баённомаси СССР Олий суди прокуратурасининг муҳим ишлар бўйича терговчиси томонидан тузилади. Самарқандда очилган суд иши 1930 йил 25 мартдан 21 июнча бўлиб ўтади. Уч ой давом этган бу суд инсоният тарихидаги энг манфур саҳна

суди бўлди. Давлат қораловчиси Р.Катаняннинг ҳиссиётга тўла нутқларида ҳуқуқшуносликка оид лотинча терминлар қанчалик энг бўлса, ҳақиқатдан, адолатдан, энг оддий инсонийликдан заррча нишон йўқ эди.

Суд залида С.Қосимовни атайлаб таҳқирловчи сўзлар билан кесатишлар бўлди. У ҳақидаги мақолаларда С.Қосимовни шўролар мамлакатини ағдариб ташловчи кучга эга ҳақиқий халқ душмани деб айюҳаннос солдилар. Аммо Саъдулла Қосимов асло ўзини йўқотиб қўймади. Тиз чўкмади. Минг марта талаб қилишса ҳам бирон марта ҳеч кимдан кечирим сўрамади.

Каруский суд залида “мана ўзини худди миллий қаҳрамон, бургут қилиб тутаяпти, ҳеч нарса демайди”, деди. Шунда С.Қосимов тилга кириб, “қуйимни тинтув қилишганида ҳамма қозғаларимни олиб кетишган эди. Қолганларини ҳам кўзимнинг олдида ёқиб ташладилар. Бугун менинг номимга айтилаётган бўхтон ва ёлғонларни ҳужжатларимсиз қандай қилиб исботлайман?! Тўғри, судда менга қанча бўхтон айтишса ҳам, индамадим. Хўш, нимани гапираман? Кимгадир мен ҳам туҳмат қилайинми? Виждонсиз яшайдан, мен учун пок виждон билан ўлиш афзал-ку!”, дейди.

Суд номигагина очик, унга керакли одамлар киритилмаган бўлса-да, С.Қосимов ўзини дадил ҳимоя қилади. Ҳар замонда ёзма саволлар билан суд жараёнининг тубан аҳволини фош қилиб туради. С.Қосимов ва Р.Катаняннинг қуйидаги савол-жавоби ҳам шўро судининг асл башарасини айнан ифодалайди.

С.Қосимов: “Агар мен аксилинқилоччи бўлсам, бунини менга исбот қилиб беринглар!” деса, қораловчи “Сиз ўз хатти-ҳаракатларингизнинг оқибатлари қандай бўлишини олдиндан кўргансиз, сиз ўз фаолиятингиз билан совет ҳокимиятининг обрўйига путур етказётганингизни олдиндан билгансиз. Шунинг ўзи бизга кифоя!”, деб ўшқиради...

Саъдулла Қосимов шаънига қарши 1930 йил 25 мартдан бошланган матбуотдаги “шовқин” уч йилгача тиним

билмайди. Шўро матбуотида “Қосимовчилар иши” жараёнининг тайёрланиши ва амалга оширилиши бўйича, гўёки мусобақа ташкил этилади. Биргина “Қизил Ўзбекистон” газетасида 1930 йил апрель-сентябрь ойларида суд жараёни ҳақида 75 та мақола босилгани шундан далолатдир.

Судга раислик қилган СССР Олий суди судьяси Южин Василев Саъдулла Қосимовни қоралар экан, асосий айблов сифатида у Андижонда бир эл оқсоқоли бўлган бойнинг ишини кўрганида бойга енгил жазо бергани, Убайдулла Ҳўжаевнинг яқин дўсти эканлиги, бир неча судда унга оқловчилик вазифасини топишганлиги, шунингдек, қайнотаси савдогар бўлгани, Эшонхўжа Хоний қози бўлганида унга ҳурмат кўрсатгани каби вазиятларни келтиради.

1931 йил 21 июнь куни Саъдулла Қосимов, Бадриддин Шарипов, Насриддин Олимов, Вячеслав Спиридонов олий жазога ҳукм қилинди.

Бу воқеадан сўнг миллий зиёлилар ҳам даҳшатга тушдилар. Улар энди ГПУ хоҳлаган айбини ўйлаб топиб, хоҳлаган инсонни йўқ қилиб ташлайди. Яхшиси, таълимни қўйиб, энг қора ишларга киришди. Шу йўл билангина жонимизни сақлаб қолишимиз мумкин экан, деган ҳулосага келадилар.

Хуллас, замонлар ўтди, қанча сувлар оқиб кетди. Ниҳоят, адолат қарор топди: 2024 йил 6 май куни Олий суд томонидан реабилитация қилиниб, оқланган 198 нафар қатағон қурбоний рўйхатида Саъдулла Қосимов ҳам бор.

Суд мажлисида С.Қосимовнинг набираси Ф.Саъдуллаев томонидан юқоридаги ҳукм устидан берилган кассация шикояти ҳам кўриб чиқилди. Натижада С.Қосимов ва бошқаларга нисбатан чиқарилган айблов ҳукми бекор қилиниб, уларнинг ҳаракатларида жиноят таркиби мавжуд эмаслиги ҳамда жиноий ҳодиса ўз бермагани сабабли “Қосимовчилар”нинг барчаси айбсиз деб топилди ва оқланди.

Баҳром ИРЗАЕВ,
*тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори*

■ Жамиятимиз мақсади

Қонунийлик ва ижтимоий адолат — ИНСОН ФАРОВОНЛИГИ ОМИЛИ

◄ (Бошланиши 1-бетда)

Айниқса, ижтимоий соҳадаги туб ўзгаришлар халқпарварлик сиёсатининг ёрқин намунаси сифатида хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси ва бевосита ташаббуслари туфайли Ўзбекистон ҳақиқий ижтимоий давлатга айлانмоқда.

Бинобарин, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 1-моддасида мустақамланган “**Ўзбекистон — ижтимоий давлат**” деган тамойил амалий мазмун касб этиб, халқчил ислохотга айланди.

Сўнгги йилларда бу борадаги ишлар натижадорлигини оширишда ижтимоий соҳага давлат томонидан ажратилаётган маблағларнинг ўрни муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ижтимоий дастурларни молиялаштириш ҳажми мислсиз даражада оширилди. Давлат бюджетидан қанча маблағ сарфланишидан қатъи назар, энг муҳим ёндашув халқимиз фаровонлигига қаратилди. Ижтимоий харажатларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2 баробар оширилиши, нафақа олувчи кам таъминланган оилалар қамровининг 5 баробар кенгайтирилиши — буларнинг барчаси халқ манфаатларининг ҳар қандай иқтисодий тежамкорликдан устун қўйилишининг ёрқин исботидир.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ногиронлиги бўлган шахслар ва болаларни парвартириш билан банд бўлган фуқаролар учун нафақаларнинг янги турлари жорий этилди. Бу эса, қўллаб оилаларнинг турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Қайд этиш керакки, давлат ўз зиммасига барча ижтимоий масалаларни олиши, ҳеч шубҳасиз, инсонпарварлик сиёсатининг муҳим кўринишидир. Бу борадаги сай-ҳаракатлар ҳуқуқий асос билан мустақамланаётгани эътиборга молик. Жумладан, 2023 йил 1 июнда Президентимиз Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилиши ижтимоий соҳадаги инқилобий ўзгаришларнинг бошланиши бўлди. “**Инсон**” ижтимоий хизматлар марказларининг фаолияти йўлга қўйилиши эса, ҳар бир инсон тақдирига алоҳида эътибор қаратиш тамойилининг амалий ифодасидир. Янги тизимда ижтимоий ёрдамнинг аниқ ва натижага бўлишига алоҳида урғу берилмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, **ҳар бир оила ва шахсга индивидуал ёндашув зарур. Бунинг учун маҳалла даражасида ижтимоий хизматларни ташкил этиш бошланди. Кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга ёрдам кўрсатиш тизими шаффофлаштирилди.**

Давлат раҳбарининг ташаббуси билан жорий этилаётган “**ижтимоий карта**” тизими орқали фуқароларнинг маийший эҳтиёжларини қондириш янада соддалаштирилди. Натижада ҳозирги кунда мавжуд бўлган 250 дан ортиқ турдаги ижтимоий хизматлардан фойдаланиш учун фуқаролар 10 дан ортиқ ҳужжатни олиб юришига чек қўйилди. Энди уларнинг ўрнини битта “ижтимоий карта” эгаллайди. Бу карта орқали жамоат транспортда бепул юриш, электр, газ ва ўқиб харажатларига компенсация олиш, нафақа ва ёрдам пулларини олиш мумкин. Бу — Президентимизнинг оддий халқ эҳтиёжларини чуқур англаши ва бюрократик тўсиқларни бартараф этишга қаратилган амалий қадамидир.

Янги йўлга қўйилган тизимга кўра, нафақа олувчилар рўйхати, биринчи навбатда, ногиронлиги бор, ота-онаси йўқ, боқувчисини йўқотган, касаллиги ва бошқа сабабга кўра, узоқ муддат ишлай олмайдиغانларнинг оилалари киритилди. Бошқа фуқароларни “ижтимоий реестр”га киритишда уларнинг фақат даромади эмас, балки харажатлари ҳам баҳоланади. Бу соҳанинг қонунчилик асослари ҳам мустақамланмоқда.

Яқинда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатга юборилган “**Ижтимоий иш тўғрисида**”ги қонун ижтимоий иш соҳасидаги муносабатларнинг тартибга солинишига, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига сифатли ижтимоий хизмат ва ижтимоий

ёрдамлар кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга, эҳтиёжманд фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини қучайтиришга хизмат қилади.

Мамлакатимизда аёллар ва болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, оила ва жамиятда уларнинг мавқеини янада мустақамлаш устувор масалалардан саналади. Сўнгги йилларда бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, “**Хотин-қизларни таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида**”ги ҳамда “**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида**”ги қонунлар туфайли ушбу соҳада муҳим ҳуқуқий асослар яратилди.

Болалар омбудсмени институти фаолияти йўлга қўйилиши билан эса, ушбу соҳада институционал асослар янги босқичга қўтарилди. Бугунги кунда Болалар омбудсмени давлат органлари томонидан бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан парламент назоратини амалга оширмоқда.

Шу билан бирга, болаларнинг зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини янги босқичга олиб чиқиш ва ушбу соҳани янада такомиллаштириш мақсадида “**Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида**”ги қонун қабул қилинди.

Шу ўринда Президентимизнинг эътибор ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга қаратилган гамхўрлигини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Парламентда қабул қилинаётган ушбу соҳадаги қонун лойиҳалари илгор ташаббусларнинг қонуний асосларини мустақамлашга хизмат қилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, мамлакатимизда ногиронлиги бор шахсларни қўллаб-қувватлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2020 йилда “**Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида**”ги қонуннинг қабул қилиниши ҳамда 2021 йилда Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистоннинг Ногиронлиги бор шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияга қўшилиши мамлакатимизда бу соҳада туб ислохотларнинг бошланишига замин яратди. Мамлакат раҳбари томонидан тасдиқланган чора-тадбирлар комплекси ногиронлиги бор инсонларнинг ҳаётини тубдан ўзгартирмоқда.

“Меҳнатга лаёқатини белгилаш” деган эскирган амалиётнинг бекор қилиниши, протез воситалари турларининг 18 дан 30 тагача оширилиши, маблағларнинг 1,5 баробар қўлайтирилиши, бундай воситаларни уйдан туриб ваучер орқали онлайн ёки “Инсон” маркази орқали исталган ишлаб чиқарувчидан олиш имкониятининг яратилиши — буларнинг барчаси ногиронлиги бор шахсларга бўлган алоҳида эътиборнинг натижасидир.

Бундан ташқари туман марказий шифохоналарида тиббий реабилитация хоналари ташкил этилмоқда. Ходимларининг 50 фоизда ногиронлиги бўлган тадбиркорларга давлат буюртмалари билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш имконияти берилмоқда.

Бундай шахсларни қасбга тайёрлайдиган 4 та ихтисослашган мактаб саноат тармоқларида бахтирликларида. Ногиронлиги бўлган шахслар қасаначилик ва хунармандчилик асосида яратган маҳсулотларини электрон платформа орқали сотиши йўлга қўйилмоқда.

“Фаол ҳаётга қадам” дастурининг жорий этилиши эса, Президентимизнинг ҳар бир инсон, унинг имкониятларидан қатъи назар, жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлиши кераклиги ҳақидаги инсонпарварлик ғоясини амалий татбиқ этишга ёрқин мисол бўла олади.

Биз, парламент вакиллари бу жараёнларда фаол иштирок этишни ўз бурчимиз, деб биламиз. Аини вақтда Қонунчилик палатасида қабул қилинаётган қонунлар Президент ташаббусларини ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлаб, уларнинг самарали амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилмоқда. Зеро, ижтимоий ва ҳуқуқий ислохотлар Ўзбекистонни ҳар жиҳатдан фаровон, адолатли ва инсонпарвар давлатга айлантиради.

кафолатлари кучайтирилмоқда

- судьяларни янги ваколат муддатига тайинлаш шартлари сифатида аниқ мезонларни белгилаш;

- Судьялар олий кенгаши таркибига номзодларни тақлиф этишда, судлар раисларини сайлашда судьялар ҳамжамияти иштироки орқали ушбу жараёнларга демократик элементларни жорий этиш каби масалаларни кўриб чиқишни давр тақозо этмоқда.

Бешинчи масала – вилоят судларидаги тафтиш инстанциясида – холислик ва беғаразлик тамойилларини янада кенг жорий қилиш, фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг судга бўлган ишончини ошириш мақсадида уларни такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Давлатимиз раҳбари ҳузуридаги тақдимот доирасида барча йўналишлар судлари бўйича минтақавий тафтиш судларини ташкил этиш, шу муносабат билан вилоят ва унга тенглаштирилган судлардаги тафтиш инстанцияларини тугатиш тақлиф этилди. Бунда вилоят ва унга тенглаштирилган судларда фақатгина апелляция ва кассация инстанцияси фаолият юритиши, тафтиш инстанцияси эса, 5 та ҳудуддаги минтақавий судларда ташкил этилиши режалаштирилмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш керак-

ки, Ўзбекистон Президентининг яқинда қабул қилинган “**Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги Фармони ушбу тизимли ислохотларнинг манتيкий давоми ва муҳим босқичи бўлди. Мазкур Фармон суд тизими учун юқори малакали ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини халқаро стандартлар асосида янада такомиллаштириш, таълим, илм-фан ва амалиёт узвийлигини таъминлаш орқали профессионал судьялар корпусини шакллантиришга қаратилган.

Фармонда суд-ҳуқуқ соҳасида малакали кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини жорий этишдаги қатор устувор мақсадлар белгилаб берилган. Суд тизими учун ҳар томонлама етук, замонавий билим ва зарур касбий кўник-маларга эга, юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этиш; судьялик лавозимида номзодларни тайёрлаш, судья ва суд аппарати ходимларининг малакасини ошириш, раҳбарлик лавозимини эгаллаш учун захирадаги судьяларни қайта тайёрлаш, таълим олувчиларда судьялик касбий маданиятини шакллантиришга қаратилган дастурларни жорий этиш шулар жумласидандир.

Фармонда, шунингдек, бўлажак судьяларда мустақил, ҳолис, беғараз, фақат қонунга таянган ҳолда ва адолат билан иш юритишнинг касбий кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган интерфаол ўқитиш услубларини таълим жараёнига татбиқ этиш сингари бошқа муҳим вазифалар ҳам назарда тутилган.

Фармонга кўра, Судьялар олий мактаби негизига Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси ташкил этилмоқда. Албатта, бу шунчаки ном ўзгариши эмас, балки суд тизими ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини бутунлай янги, сифатли босқичга олиб чиқишга қаратилган стратегик ислохотдир.

Академияда таълим жараёни “устоз-шогирд” анъанаси асосида, “бўлажак судьяни судья ўқитади” тамойилига мувофиқ ташкил этилади. Бу, ўз навбатида, назарий билимларни амалиёт билан узвий боғлаш, ёш кадрларнинг судьялик фаолиятидаги нозик жиҳатларни тажрибали устозлардан ўрганишини таъминлайди.

Энди судьялик лавозимида номзодлар мазкур академиянинг олти ойлик касбий қайта тайёрлаш курсларида давлат гранти асосида тайёрланади.



Бу жараёнда касбий қайта тайёрлаш курсларида киришдан олдин номзодларнинг бениқсон обрў-эътибори, ҳалоллиги ва лаёқати Судьялар олий кенгаши томонидан ўрганилади. Натижада судьялик лавозимига фақат юксак ахлоқий фазилатларга эга, виждонли ва ҳалол номзодлар танлаб олинishi таъминланади.

Яна бир муҳим жиҳат: судьялик лавозимига номзодларни тайёрлаш дуал таълим шаклида, “назария — амалиёт — имитация” тамойили асосида ташкил этилади. Дуал таълим услуби тингловчиларнинг орттирган билиминини амалиётда қўллаш кўникмасини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, қатор хорижий давлатларда кенг қўлланилади.

Масалан, Германияда судьяларни тайёрлашда “икки босқичли тайёргарлик” моделига таянилади. Бунда асосий эътибор назария ва амалиётнинг узвийлигини таъминлашга қаратилади.

Одил судлов академияси-

Дилшод ТАДЖИБАЕВ,
*Тошкент вилояти
суди раиси*

◄ (Бошланиши 1-бетда)

Дарҳақиқат, қадимги аждодларимиз тоғдан шовиллаб тушган сувни шовва, шар-шар тўкилганини шаршара деган. Қушларнинг чурқ-чурқ қилгани чумчук, лак-лак қилгани лайлак (аслида, лак-лак), қагиллагани қарға бўлган. Ғоз, чит-так, чуғурчук, чағалай, олашақшақ, как-ку, гулгул товуқ (курка), жиблажибон... санокни давом эттириш м умкин. Лекин куш номлари ичида энг гўзали бул-бул дея ёқимли сайраган булбулдир.

Инсон бора-бора ўзи ясаган буюмларга ҳам шу тарзда ном берган. Тўқиллаб урилгани тўқмоқ, туёё остида тақиллагани тақа, зангиллаган кўнгироқ занг аталган. Энг муҳим хабарлар элга ногора чалиб етказилган. Дангиллаган бу садо ҳам сўзга айланди. Кимнинг номи элга ногора бўлса, у данг чиқарди. Тилимиз майинлашиб боринг, келинг ўрнига боринг, келинг дейдиган бўлдиқ ва данг ҳам донг билан алмашди. Биз бугун шуҳратли одамни донгдор деймиз, донг таратган деймиз. Лекин эл ичида донг чиқарган уй дангиллама бўлиб аслича қолди. Қирғиз тилида ҳам бу сўз данг деб айтилади. Лекин маъно товланишида озгина фарқ бор. Шон-шараф, олқиш мазмунида қўлланилади. Қирғиз кўчаларида "Эмгекка данг!", "Эл-журтка данг!" каби шiorларни кўрасиз. "Яшасин меҳнат!", "Яшасин эл-юрт!" дегани. Буларнинг бари ўша ногора садосидан туғилган сўзлар.

Юртимизда юз минг йил муқаддам яшаган неандертал одамнинг тарих музейимиздаги қиёфасига қараб яна ўзимга савол бераман. Расмана инсонга айланмаган бу ибтидоий онг эгасининг биринчи сўзи нима эди? Ҳаёлимга келган жавоб шу бўлди: у тошни тошга уриб чақ этган товушни эшитгану чақ дея овоз чиқариб ўзининг биринчи сўзини айтган. Тошни тошга чаққан, кейинроқ тош билан данак чаққан, ёнғоқ чаққан, боласига ҳам "чақ!" деб буюрган.

Бора-бора тошдан ўт чиқариб уни ҳам чақ деди. Кўйда чақ этиб ёнган олов ҳам чақ бўлди. Кейинчалик чақмоқ, чақин, чақмоқтош сўзлари пайдо бўлди.

Тош майдалаб чақа деган инсон учун ҳамма майда нарсалар чақа бўлди. Пул майдалаб, чақа деди. Майда боласини бола-чақа деди. Энг кичкинаси чақалоқ бўлди.

ОЙ ФАРЗАНДИ

Американинг Лос-Анжелес шаҳрида Ўзбекистоннинг садоқатли бир дўсти яшайди. Келиб чиқиши мижар бўлган бит турколог олим Лос-Анжелес университетига махсус курс очиб, америкалик талабаларга ўзбек тилини ўргатади. Улар дйёримиз нафасини ҳис қилиши учун Ўзбекистондан олим ва ижодкорларни таклиф этиб, суҳбатлар уюшти-

ради. Исми Андраш, насаби Бодроглигетти.

Талаффузи қийин, ёдда сақлаш ундан ҳам қийин бўлган бу фамилияни илк бор эшитганимда олимни италиялик деб ўйлагандим. Лос-Анжелесда кўришиб, унга шу саволни бердим.

— Фамилиям аслида Бодроглигетти. Бад сўзи форсча ҳам, инглизча ҳам ёмон деган маънони билдиргани учун бу юртда насабимни бир ҳарф ўзгар-



тириб Бодроглигетти дейдилар. Лекин италиялик эмасман. Фамилиям соф туркча. — Шундай деб Андраш домла кўлига қалам олди ва ўз фамилиясини уч қисмга бўлиб ёзди: Бадр огли гетти. Бадр сўзини биламиз, ой дегани. Қолган сўзлар ҳам таниш. Ўғуз туркчасидан ўзимизнинг шевага ўгирсак, Ой ўғли кетди, деган маъно чиқади.

— Тўйда туғилган Тўйчи, йўлда туғилган Йўлчи, жумада туғилган Жумавой, Одина деб исм олганидек, аллақайси бобокалоним ойдин кечада туғилгани учун Бадр ўғли деб ном қўйишгандир. Ўз юртидан кетиш наслимиз қисматида бор экан шекилли, мен ҳам асл ватанимдан узоқларда Бодроглигетти бўлиб юрибман.

Шарку ғарбнинг ўнлаб тилларини билган, уларни чоғиштириб, таҳлил қилган Андраш домланинг бу сўзларини аввал балки хаёлот меваси, шунчаки ҳазилдир, деб ўйладим. Ахир, тилимиз шу қадар бой ва рангинки, ҳар сўзни ўн ёққа буриш мумкин, ўт деган сўзнинг ўттиз хил, юз деган сўзнинг юз хил маъно товланиши бор. Лекин миллат тақдирини ўйласам, мижарнинг туркий халқларга тарихан туташлигини хаёлга келтирсам, бу гап ҳазилга ўхшамади. Олис ўтмиш манзаралари кўнглимдан кечди. Ўз юртида кўним толмаган, қисмат дунёнинг турли бурчакларига тарқатиб юборган қадимги аждодларимизнинг сарсон-саргардонлиги фикримни чулғадди.

Бадр ўғли кетди... Бу сўзларда бутун бир тарих намоён бўлди. Тўрт юз йил наридан Бухорони тарк этиб, олис ва совуқ Сибирга кетган ўзбекларнинг ноласи келди, яна икки юз йил ўтиб, улардан миннга яқин оиланинг Туркияга кўчгани, сибирликларни ҳам, туркияликларни ҳам то ҳануз ўзлари-

ни бухорийлар (русча бухарцы) деб аташларини ўйлаб кетдим. Тақдирни қарангки, икки карра беватан қолган ғарибларга Туркияда Бағри тилик деб аталган тоғ этагидан жой берилибди. Ҳаёл мени яна минг йил нарида Идил ва Ёйиқ соҳилларида яшаган, ҳозирда Волга ва Урал аталган дарёлардан сув ичиб, бепоён кенгликларда от сурган ўзбеклар юртига олиб учди. Халқимиз татар, булғор, мижар, ўрус эллари

билан елкадош кун кечирган яйловлар кўз олдимга келди.

Бадр ўғли кетди... Ҳаёлан мен ўн минг йиллар олпсда Сибирдан Аляскага кўчган туркий қабиаларнинг кўшиқларини эшитдим. Америкалик ҳиндуларнинг бахшилар каби бўғиздан чиқариб айтган кўшиқлари қулогим остида янгради. Бу минг йиллар тубидан келган дард садо-си эди.

Мижар халқи ўз илдишларини қадимги туркий қавмлар билан туташ кўргани учун Мижаристонда туркология фани асрлар давомида ривож топган. Бу анъана ҳозир ҳам давом этади. Бу ўлкадан икки юз йилча аввал Марказий Осиёга келиб, Бухоро ва Мавороуннаҳр тарихини ёзган Герман Вамберидан тортиб замондош дўстларим Иштван Конгор ва Андраш Бодроглигеттигача дунёга танилган неча-неча туркшунос олимлар етишдилар. Улар юртимизга сафар қилганларида Самарқанду Бухорони томоша қилишни кўлаб эмас, мижар халқининг теран томирларини излаб келганлар.

Бадр ўғли кетди... Мижарнинг ҳам, ўзбекнинг ҳам Ой ўғли эканига ишончим бор. Бадр ўғли Сибирга кетди, Аляскага кетди. Идил ва Ёйиқ соҳилларида Ҳазар ва Орол бўйларига кетди. Бу юртда минг йиллар яшаган ерлик аждодларимиз билан дунёнинг энг кўҳна давлатларидан бири бўлган Хоразм давлатини тузди.

Яна минг йиллар ўтиб, Босфор бўйларига кетди ва ҳозирги Туркияга асос солди. Ой ўғли кетди. У оламнинг тўрт ёнига кетди.

Жавоҳарлаъл Неру Мирзо Бобур тузган давлат тўғрисида ёзаркан, Марказий осийёликлар дастлаб Ҳиндистонга тўрт минг йил муқаддам кўчиб кела бошлаганлар, дейди. Улар орасида туркий

қавмлар ҳам бўлгани, бу қавмларнинг қадимий ривоятлари, дostonлари ҳам Ҳиндистонга боргани шубҳасиз.

Ой арабча — бадр, форсча маҳ дейилади. Туркий тилларда арабча ва форсча сўзлар кўҳна замонлардан бор. Ой атамаси ёнида бадр ҳам, маҳ ҳам ишлатилган. Ҳиндлар Дехлини Дели деганлари каби Маҳ ўғлини Маугли деган бўлсалар, ажаб эмас. Инглиз адаби Редярд Киплинг Ҳиндистон мавзусида ёзган машҳур асар қаҳрамонининг исми Маугли.

Демакки, Киплингга шуҳрат келтирган Маугли эртагининг мавзуси қадимги туркий халқлар афсонасидан олинган бўлиб чиқади. Яна бизга маълумки, ривоятлар турк наслини бўри зотига боғлайди, она бўри эмизиб катта қилган, дейилади. Мауглига ҳам бўри оналик қилган.

Бошқирд элининг зариф шоири Мустай Карим туркий халқларнинг бўри зотига боғланишига сабаб — бу қавмнинг минг йиллар давомида ҳар ердан қувилган, дерди. Ўз халқининг номини Бош курт, яъни Бош бўри дея ишонч билан айтарди. Турклар бир-бирини кўрганда ё хайрлашганда ўнг қўлининг учта бармоғи билан бўри бошини тасвирлаб, қардошлик изҳорини қиладилар. Қувгинди бўри эса, тунлар ойга қараб уялайди. Онасини соғинган боладек нола чекади...

Қадим-қадим замонларда аждодларимиз қуёшга, ойга, юлдуз ва сайёраларга топинганлар. Дашту сахаролар оша олис, машаққатли йўлларда кундузи — қуёш, кечаси ой ва юлдузлар уларга маъъала, қибланамо бўлган. Ўғлонлари исмини Кунтуғмиш деб, Ойбек деб, қизларини Ойбарчин, Тўлганой, Олдузхон, Зухро, Сурайё, Ситора деб атаганлар.

Икки юз йил аввал Ҳиндистонда яшаб ижод қилган ҳамюртимиз Мирзо Асадуллохон Ғолиб ўз аждодларини эслаб, мен асли самарқандликман, наслим Ойбеклар зотидан, дея ғурур билан ёзган:

Десам, Ғолиб, ерим — пок хоки Турон, Асил зотим билан бағрим фараҳманд.

Ўзим туркзодаю наслим-да туркзод, Буюклар қавми бирла асли пайванд.

Уруғ бўлмиш менга Ойбеклар аслан, Камолан ойга нисбат, балки ўнчанд.

Отам қасбим десам деҳқончиликдир, Бобом бўлмиш заминдори Самарқанд.

Бадр ўғли, Маҳ ўғли, Ойбек нақадар ўхшаш исмлар! Арабий, форсий, туркий маънодош сўзлар. Юртимизда қадимдан бу уч тилнинг ёндош яшаганига яна бир тимсол.

(Давоми кейинги сонда)

● Моҳият

ЯНГИ ҚОНУН:



◄ (Бошланиши 1-бетда)

Олий Мажлис Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан маъқулланган **“Вояга етмаганларга нисбатан жиноий жавобгарликни янада либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”**ги қонун бунга яна бир амалий мисолдир.

Ушбу қонун Президентимизнинг **“2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”**ги Фармонида белгиланган вояга етмаганларга нисбатан жиноий жавобгарликни янада либераллаштириш вазифаси ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.

Кейинги йилларда юртимизда вояга етмаганларни химоя қилишга, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини давлат томонидан кафолатлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга вояга етмаганларга нисбатан жиноий жавобгарликни янада либераллаштириш, ўн саккиз ёшга тўлгунига қадар содир этган жинояти учун жазони ўтаб бўлган шахсни судланмаган деб ҳисоблашнинг белгилаш зарурати юзга келмоқда.

Шундан келиб чиқиб, амалдаги Жиноят кодексига тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритилмоқда. Жумладан, ўн саккиз ёшга тўлгунига қадар содир этган ўта оғир бўлмаган жинояти учун жазони ўтаб бўлган шахс судланмаган деб ҳисобланиши белгиланмоқда.

Янада аниқ қилиб айтганда, Жиноят кодексининг 77-моддаси қуйдагича тўлдирилмоқда: **“Ўн саккиз ёшга тўлгунига қадар содир этган жинояти учун тайинланган жазони ўтаб бўлган шахс судланмаган ҳисобланади, бундан ўта оғир жиноятлар ёки содир этган жинояти учун тайинланган жазони ўтаб бўлганидан кейин ўн саккиз ёшга тўлгунига қадар қасддан янги жиноят содир этиш ҳоллари мустасно”**.

Шунингдек, қонунда вояга етмаганларга нисбатан озодлики чеклашнинг ҳамда озодлиқдан маҳрум қилишнинг энг кам муддати олти ойдан бир ойгача

қисқартирилиши назарда тутилмоқда.

Янги қонун вояга етмаганларга нисбатан жиноий жавобгарликни янада либераллаштиришга хизмат қилади. Шунингдек, ушбу ҳужжат ўн саккиз ёшга тўлгунига қадар содир этган жинояти учун жазони ўтаб бўлган шахсга ҳаётини судланганлик тамғасидан холи тарзда давом эттириши учун шароит яратди.

Хорижий давлатлар қонунчилигида ҳам, судланганлик муддатининг тугалланиши борасида вояга етмаганларга нисбатан енгилроқ бўлган алоҳида талаблар мавжуд. Хусусан, Россия, Литва, Қозғоистон, Қирғизистон ва бошқа давлатлар жиноят кодексларида вояга етмаган шахслар содир этган жиноятлари учун жазони ўтаб бўлганидан сўнг судланмаган ҳисобланиши ёки уларнинг судланганлиги умумий муддатларнинг ярами ўтганидан сўнг тугалланиши белгиланган.

Болаликда билли-билмай нотўғри қадам босган ва кейинчалик қилмишидан пушаймон бўлган ёшлар учун қайта имконият берилиши, шубҳасиз, судланганлик тамғасининг олиб ташланиши улар учун ҳаётни қайта бошлашга далда бўлади.

Статистик рақамларга кўра, мамлакатимизда 2023 йилда 1 минг 911 нафар вояга етмаган шахс жиноий жавобгарликка тортилиб, судланган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 2 минг 214 нафарга етган. Ўтган йилда ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятлар 1 минг 238 тани, унча оғир бўлмаган жиноятлар сони эса, 855 тани ташкил қилган.

Афсуски, бугунги кунда юртимизда жиноятчилик кўрсаткичлари сабабли қизил тоифага киритилган маҳаллалар сони оз эмас. Мазкур ҳудудларда маҳалла еттирлиги ёнига биз, сенаторлар ва ҳудудлардаги депутатлар ҳам масъуллар сифатида қўшилиб, жиноятчиликка қарши биргаликда елкама-елка туриб курашсаккина қутилган натижаларга эришилади.

Аҳоли гавжум бўлган ҳудудларда, нотинч маҳаллаларда тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш орқали қонунбузилиши ҳолатларининг олдини олиш, ушбу масканларга замонавий қузатув мосламаларини ўрнатиш, маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, ёшлар бандлигини таъминлаш каби узлуқсиз чора-табйирларни амалга оширишимиз зарур.

Маълумки, мамлакатимизда мулк ҳуқуқининг дахлсизлиги ва муддатсизлиги қонун билан мустаҳкамлаб қўйилди.

Бу ҳақда фикр юритганда, аввало, Конституциямизнинг 66-моддасида мулкдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишича эғалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мол-мулкдан фойдаланиш атроф-мулкга зарар етказмаслиги, бошқа шахсларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини бузмаслиги керак, деган қоида белгиланганини қайд этиш жоиз.

Мазкур конституциявий қоида амалдаги Фуқаролик кодексиди ҳам ўзининг теран ифодасини топган. Хусусан, кодекснинг 164-моддасига кўра, мулк ҳуқуқи шахсининг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб, эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Мулк ҳуқуқи муддатсиздир.

Судда кўрилган бир фуқаролик иши мисолида фикримизни давом эттирадиган бўлсак, Бахринисо Ражабова (исм-шарифлар ўзгартирилди)

■ Қонун кўмаги

Ночор қолган мулк эгаси

судга мурожаат қилди ва адолатли қарордан кўнгли тасалли топти

Сафарали Ўрозов билан қонуний тартибда никоҳдан ўтиб, уч нафар фарзандли бўлишган. Фарзандлари вояга етганида тўсатдан оиланинг бошига му-сибат тушади, оила бошлиғи С.Ўрозов 2011 йилнинг 13 авгу-стида вафот этади.

Оиладаги йўқотишдан сўнг уч-тўрт йил ўтгач, Б.Ражабова ва унинг фарзандлари Рустам, Равшан ҳамда Динаралар хорижга ишлаш учун кетишади. Ўйлан Бахринисонинг онаси З.Оллово-рова хабар олиб турарди. Содда ва ишонувчан онахон ижарада туриш учун жой сўраб келишса, уй эгаларининг рухсатсиз но-таниш оилани вақтинча яшаб туриш шарти билан ҳовлига ки-ритади. Шу тариқа Ф.Аширматов ва унинг оила аъзолари марҳум С.Ўрозовга тегишли уй-жойда яшай бошлайди.

Воқеанинг давоми шундай кечади: Б.Ражабова фарзанд-лари билан Самарқандга қайтиб

келса, С.Ўрозовга тегишли Са-марқанд шаҳар, Н. кўчасидаги уйда нотаниш оила яшаётганини кўришади. Энг ёмони, жавобгар Ф.Аширматов “ҳовли меники, сизларнинг ҳаққингиз йўқ” деб уларни уйига кўчирмайди.

Шундан сўнг Б.Ражабова суд-га мурожаат қилади. Фуқаро-лик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2023 йил 4 сен-тябрдаги ҳал қилув қарори би-лан даъвогарнинг даъвоси қано-атлангандир.

Бироқ вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъа-ти апелляция инстанциясининг 2023 йил 7 ноябрдаги ажрими билан биринчи босқич судининг ушбу ҳал қилув қарори бекор қилинади. Бунга даъвогар Б.Ра-жабова ва фарзандлари марҳум С.Ўрозовнинг тегишли уй-жой-га нисбатан меросхўр деб то-пилмаганлиги асос бўлади.

Шундан сўнг Б.Ражабова-нинг навбатдаги даъво ариза-



ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Бахтиёр ИСЛАМОВ
Икром МУСЛИМОВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шуҳрат ПОЛВАНОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Абдуҳалим ХОЛМАХМАТОВ
Жамшид САДИНОВ
Муродулло ҚОДИРОВ
Заммира ЭСАНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Сахифаловчи:

Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзиллари: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-815 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 3119
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21⁰⁰. Топширилди: 21⁰⁰.